Бугун—СССР

Ҳаво Флоти куни

Авиациянинг Н-қисмида снёсий ва жанговар тайёргарлик ишлари яхши йўлга қўйилган. Бу ерда малакали мутахассислар, разрядли спортчилар етишмоқда. Учувчилар ўзларининг техник малакаларини ошириб, жанговарлик маҳоратини ва ҳарбий интизомини юксак даражада олиб боришяпти.

СУРАТДА: ракета ташувчи ҳаво корабли экипажининг аълочи аъзоларидан бир группаси.

ТАСС фотохроникаси.



ТОВУШДАН ТЕЗ

СССР ҲАРБИЙ ҲАВО КУЧЛАРИ БОШ ҚЎМОНДОНИ, АВИАЦИЯ МАРШАЛИ, СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАҲРАМОНИ ПАВЕЛ **КУТАХОВ** ҲИКОЯ ҚИЛАДИ

«СОВЕТСКИЙ ВОИН» ЖУРНАЛИ АВИАЦИЯ МАРШАЛИ ПАВЕЛ КУТАХОВНИНГ СССР ҲАВО ФЛОТИ КУНИГА БАҒИШЛАНГАН ИНТЕРВЬЮСИНИ БОСИБ ЧИҚАРДИ. НОВОСТИ МАТБУОТ АГЕНТЛИГИ ГАЗЕТХОНЛАРГА УШБУ СУҲБАТНИ БИРМУНЧА ҚИСҚАРТИРИБ ТАҚДИМ ЭТМОҚДА.

— Улуғ Ватан уруши йилларида, айниқса урушнинг тугалланиш арафасида совет авиация саноати шундай кучли қирувчи, штурмчи, бомбардировкачи жанговар самолётларни яратдики, улар билан осмонда тўла устунлик қилиб, душманнинг ҳаво бирлашмаларини, унинг коммуникация ларини, жонли кучи ва техникасини тор-мор этишга муваффақ бўлдик.

Карелия осмонида бўлиб ўтган бир жанг ёдимдан чиқмайди. Ўшанда мен ҳам иштирок этган эдим. Бу воқеа қирқ иккинчи йилнинг июнь ойида рўй берган эди. Полкимизнинг беш қирувчи самолёти душманнинг йигирмадан ортиқ самолётига ҳужум қилиб қолди. Группамиз мардона ва дадил ҳаракат қилиб чиройли маневрлар билан, душманнинг бир неча машинасини уриб туширди ва қурбонсиз аэродромга омон-эсон қайтиб келди.

Ҳа, уруш йилларида бизнинг ажойиб машиналаримиз бор эди. Бизлар бу машиналарда афсонавий ишлар қилардик. Шунга қарамай, у пайтдаги самолётларни замонавий техника билан солиштириб бўлмайди. Ўша йилларда поршен двигателли жанговар машиналарнинг тезлиги 500—700 километрдан ошмас, учиш баландлиги эса 10-12 минг метр келар эди.

Ҳозир Совет авиацияси товушдан тез учувчи, ракета ташувчи ва ҳар қандай об-ҳавода парвоз қила олувчи авиацияга айланди. Жанговар машиналар тезликни соатига 3000 километрга етказа олади, 30 минг метрдан баландроққа кўтарилади. қудратли ракета, бомбардировка ва тўп қуролларига, такомиллашган радиоэлектрон қурилмаларга навигация ва бошқаришда энг янги воситаларга эга.

Турган ерида тик кўтариладиган самолёт, старт тезлигига эга бўлган қирувчи бомбардировкачи, учиб кета туриб қанотининг ҳолатини ўзгартира оладиган товушдан ўзувчи самолёт, учиб кетатуриб қанотининг йўналишини ўзгартира оладиган кўп мўлжалли қирувчи самолёт... Кемаларга қарши курашувчи энг янги самолёт... Бу ажойиб жанговар машиналар партия ва ҳукуматнинг совет авиацияси тараққиётига доимо ғамхўрлик қилиб келаётганлиги натижасида пайдо бўлди. Улар бизнинг олимларимиз, конструкторларимиз, инженер-техник, ишчиларимизнинг улкан ютуғидир.

— Сизнинг назарингизда замонавий ҳарбий учувчи қандай сифатларга эга бўлиши керак.

— Янги, товушдан ўзувчи реактив техника учувчи олдига катта талаблар қўяди. Бугунги кунда самолётни яхши учиришнинг ўзи кифоя қилмайди. Бундан ташқари тактик маҳоратга эга бўлиш, кутилаётган душманнинг куч ва манбааларини яхши билиш керак. Албатта, чуқур назарий ва техникавий билим бўлиши шарт. Чунки ҳозир кўп учувчилар учувчи-инженер бўлиб қолишган. Бу кишилар ўз машинасининг ҳар бир винтигача билиши, унинг жанговар қобилиятларидан хабардор бўлиши, самолётдан ҳавода ва ерда билимдонларча фойдаланиши керак. Менимча бу масаланинг фақат бир томони.

Назоримда яна бир муҳим томони бор. Ҳаво жангчиси ўз ватанининг қизғин ватанпарвари, жасур ва иродали, қатъиятли ва ишбилармон одам бўлиши, командир томонидан берилган жанговар вазифани аниқ бажаришда, ҳавода туриб саноқли секундларда энг тўғри йўлни топа биладиган киши бўлиши шарт. Бунинг устига ҳарбий учувчи интизомли, маданиятли, фан ва техникани биладиган, адабиёт ва санъатни тушунадиган инсон бўлмоғи керак.

— Ўртоқ авиация маршали, Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги шарафига қуролли кучлар сафларида кенгайиб кетган социалистик мусобақа ҳам бу саховатли ишда катта ўрин тутаётган бўлса керак!

— Ҳа, биз В. И. Ленин номидаги Қизил Байроқли полкнинг авиациячи жангчилари бу тантанали санани муносиб кутиб олиш учун Армия ва Флотда социалистик мусобақа ташаббускорлари бўлганликлари билан фахрланамиз.

В. И. Ленин номидаги полк авиаторларининг ташаббуси мамлакатимизнинг бутун Ҳарбий Ҳаво Кучларида кенг қанот ёйилгани мени айниқса қувонтиради.

Бизнинг Ҳарбий Ҳаво Кучларимизнинг кўпгина қисм ва подразделение командирлари бу йил доҳий туғилган кунининг 100 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақа борасида ҳарбий ва сиёсий тайёргарликда, авиациячи жангчиларни ғоявий тарбиялашда юксак кўрсаткичларга эришдилар.

Авиаторлар шонли юбилей кунида Ленинниг буюк васиятларини амалга оширганликларини айтиб, партия ва халққа жанговар ва сиёсий тайёргарликда янги муваффақиятларга эришганликлари. ўз учувчилик маҳоратлари ва ҳарбий тайёргарликлар янада юксалганлиги ҳақида рапорт беришларига ишонамиз.

Суҳбатни подполковник Н. ЧЕРНОГОРОВ олиб борди.

СОВЕТ АВИАТОРЛАРИНИНГ БАЙРАМИ

18 август — СССР ҳаво флоти куни. СССР ДОСААФ марказий комитети байрам шарафига ҳаво флоти ҳафталигини ўтказади. Иттифоқдош республикаларда, ўлка ва область марказларида самолёт, планер, парашют ва авиамодель спорти бўйича мусобақалар ўтказилади. Ҳамма жойда меҳнат капларининг донги кетган ҳарбий бошлиқлар, Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари ва Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари билан учрашувлари уюштирилади. ДОСААФ клублари, таълим пунктлари ва бошланғич ташкилотларида фотовиставкалар очилди.

Миллионларча совет кишилари 17 август якшанба куни халқ сайилларида қатнашдилар. 18 августда Москва меҳнаткашлари вакиллари ва пойтахт гарнизони жангчиларининг СССР ҳаво флоти кунига бағишланган тантанали йиғилиши ўтказилди.

(ТАСС мухбири).

ФАБРИКА ҚАЙТА ҚУРИЛАДИ

Яқин йиллар орасида шаҳар марказида жуда кўп маъмурий-маданий бинолар қурилиши олиб борилади. Архитекторлар «Правда Востока» ва Дзержинский кўчаларини оралиғида янги фабрика қурилишини планлаштиришяпти.

В. И. Ленин номли якка тартибда кийим тикувчи фабрикасининг ҳозирги биноси талабга тўла жавоб бермаганлиги туфайли янги замонавий жиҳозланган фабрика қуриш лозим бўлиб қолди.

Куни-кеча шаҳар Совети ижроия комитети капитал қурилиш бошқармаси фабрикасининг янги биноси қурилиши учун жой ажратиб берди.

Бугун

эса «Ташгипрогор» институтининг лойиҳачи инженерлар корхона биносининг лойиҳасини тайёрлаб бўлишди. Янги лойиҳа бўйича фабрика биноси беш қаватдан иборат бўлиб, замонавий материаллардан бунёд қилинади. 400 чевар ишлайдиган бу йирик ишлаб чиқариш корпусида ҳамма шароитлар муҳайё этилади.



Фармацевтика заводининг ампулали дорилар ишлаб чиқариш цехида дори тайёрловчи Юля Простинск билан чандан Бибинор Аҳмадуллиналар ҳамиша смена топшириқларини бир ярим ҳиссага етказиб бажаришади.

СУРАТДА: ишчан қизлар дори тайёрлашяпти.

Ж. РАЗЗОҚОВ фотоси.

● Янги маҳсулотлар

«БАҲОР» ХОНАДОНИНГИЗДА

Марказий универсал магазинининг совғалар бўлими ҳар доим харидорлар билан гавжум бўлади. Харидорлар диққати жавондаги музикачилар ва раққосаларга қаратилган. Улар қизиқиб, томоша қилишяпти...

Ҳозирча бу янги совға буюмлари «Сувенир» фабрикасидан магазинга чиққанича йўқ. «Сувенир» фабрикасининг моҳир рассоми С. Симинюк «Баҳор» рақс ансамбли раққосаларини қўғирчоқларга қўчирди. Уста созандаларни берилиб қуй чалишяпти. Атлас қўйлакли қизлар чарх уриб рақсга тушишади.

Митти фигураларнинг қадди-қомати келишган, уларнинг либослари, ҳаракатлари ҳам ўзига қўйиб қўйгандек ярашган.

Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат министрлигининг бадиий кенгаши ана шу янгиликни ишлаб чиқаришга тавсия этди.

Бундан ташқари фабрика усталари ёғочдан чойнак, пиёлалар, ўзбек қумғонлари, металлдан жайрон тош, суяк, шохдан оққуш, ўрдак, гоз ва бошқа ранг-баранг буюмларнинг янги намуналарини яратдилар. Айниқса, тошдан ишланган Хивадаги Чорминор мадрасасининг кўриниши диққатга сазовордир.

ИНСТИТУТДА — МОНУМЕНТ

Конкурс шартлари жуда оғир эди. Шундай бўлса ҳам бўлажак архитекторлар янги асарларга қўл уриб, истеъдод ва маҳоратларини намойиш қилдилар. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти архитектура бўлимининг ижодкор студентлари тайёрлаган монумент лойиҳалари ижобий баҳоланди.

Бўлимнинг учинчи курс студентлари яратган лойиҳа айниқса ажралиб туради. Улуғ Ватан уруши йилларида она-Ватан ҳимояси йўлида мардларча ҳалок бўлган жангчилар хотирасига бағишланган бу лойиҳада қаҳрамонлик, мардлик ва жасорат мадҳини акс эттирувчи оригинал деталлар кўзга яққол ташланади.

Бугун

«Қаҳрамонлар сира ўлмайдилар!» деган мавзуда монумент лойиҳа бўйича конкурс бўлиб ўтди. Унда 40 дан ортиқ киши қатнашди. Жюри аъзолари учинчи ва иккинчи курс студентлари лойиҳаларини маъқул деб топдилар.

Бу монумент институтда қад кўтаради. Уни студентлар ўз кучлари билан тиклайдилар. Монумент ўрнатилган майдон студентларнинг учрашувлар ва тантаналар ўтказиладиган жойига айланади.



Шаҳарнинг «ТашМИ» бекати ёнида яқинда қад кўтарган «Лаззат» озиқ-овқат моллари магазини меҳнаткашларга анча қулайлик туғдирди.

СУРАТДА: «Лаззат» озиқ-овқат магазини.

Ў. ШОҲАФИЗОВ фотоси.

Самарқанднинг

2500 йиллигига

«САМАРҚАНДНОМА»

Бу сўз кино лентанинг титрларида намоён бўлади. Зални тўлдириб ўтирган томошабинлар кадрларни диққат билан кўздан кечиришади. Экранда Римнинг тенгдоши қадимий ва навқирон шаҳарнинг гўзал манзаралари акс этаверади...

Тошкент хроникал-ҳужжатли фильмлар студияси бу йил бир қатор янги фильмларни суратга олмоқда. Шулардан бири «Самарқандном» деб аталади. Студия қадимий шаҳарнинг 2500 йиллик юбилейига муносиб совға сифатида бу картинани яратяпти.

Бўлажак кинони талантли кино режиссёр Малик Қаюмов суратга оляпти. Фильмда шаҳарнинг туғилишидан тортиб, бугунги жўшқин ҳаётигача экран «тили» билан тасвирланади.

Олтин пардали, ранг-ли, тўла метражли хроникал-ҳужжатли картинада фан, маданият, халқ хўжалиги соҳасида эришилган муваффақиятлар акс эттирилади.

Талаб ўрганилади

Кейинги пайтларда «Юлдуз» фирмаси чеварлари тайёрлаган эркаклар костюми харидорларга манзур бўляпти. Корхона чеварлари бу йил бир неча хил янги модалар асосида костюмлар тикишни ўзлаштиришди.

Бугун

Марказий универсал магазинида ана шу маҳсулотларнинг савдо кўргазмаси очилди.

Бир неча кун давом этадиган бу кўргазмани ўтказишдан мақсад харидорлар талаб-истагини ўрганишдир.

● Мамлакат—Тошкентга

БЕЖИРИМ МЕБЕЛЛАР

Шаҳар товар станциясига ҳар куни ўнлаб вагонда турли материаллар келиб туради. Булар орасида уй-рўзғор буюмлари, ҳар хил кийим-кечаклар ҳам бор. Бу эса ҳамшаҳарларимиз г а қардош республикалар ва социалистик мамлакатларнинг муносиб армуғонидир.

Кеча

станцияга Литва ССР-нинг Реуеуса шаҳридан икки вагон мебель келди.

Яқинда бу мебеллар «Ташкультторг» магазинларига чиқарилади.

● БИЗ—ЗАРБДОР ОТРЯД

УСТОЗЛАРГА ЭРГАШИБ

Механика факультетининг талабалари қуюв цехида ишга шай бўлиб туришибди.

— Хўш йигитлар ҳамма йиғилдими, — мурожаат қилди мастер Г. Крафимович, йиғилганларга разм солар экан.— Жуда соз! Бўлмаса, бугунги иш жойларингиз билан таништираман. Маҳмуд, сен билан икки бола бугун қолипларни ишлайсизлар. Сизлар эса...

Иш жойи белгиланган, талабалар бир пасда қизғин меҳнат қучоғига шўнғиб кетдилар.

Мана, металл қозонда суюқ қайнамоқда. Уч-тўртта йигит эритмадан ҳар хил шаклли деталлар қуймоқда.

Ишлаётганларни н г қўли қўлига тегмайди. Айниқса, деталларни қолиплаш бўлимида иш қизғин. Бугун бу ерда икки уста қолипчи ўрнига бир киши ишлаяпти. Иккинчисининг тоби қочиб ишга чиқмабди. Нима қилиш керак. Бир киши икки кишининг ишини бажара оладими? Анча қийин. Аммо студентлар-чи? Улар қараб туришадими?!

Қолипчи Мансур Саримсоқов бу ерда ишлаётган талабалардан мамнун...

Ҳа, «Таштекстильмаш» заводида ишлаб чиқариш практикасини ўтказаётган Политехника институти механика факультетининг 100 га яқин студенти дарҳақиқат устозларидан сира қолишмай меҳнат қилмоқдалар. Улар завод коллективининг ҳурмат ва эътиборига сазовор бўлишяпти.

Ҳ. ШАЙХОВ, Ж. РАЗЗОҚОВ.

СУРАТДА: студентлардан М. Муллажонов, Р. Пардаев, М. Фозиловлар тайёрланган маҳсулотни кўздан кечиришмоқда.



Об-ҳаво бугун

КЕЧАСИ 15—17, ЭРТАГА КУНДУЗИ 32—34 ДАРАЖА ИССИҚ БЎЛАДИ.

Планетамиз янгиликлари

БИРЖАДАГИ ҲОВЛИҚИШЛАР

ПАРИЖ. (ТАСС). Франк девальвация қилинганлиги сабабли Париж биржасида олтин билан спекуляция қилиш кучайиб бормоқда. Олтиннинг нархи кўтарилиб бормоқда. Қуйма олтиннинг бир килограмми яна 50 франк қимматлашиб, энди унинг нархи 7 минг 500 франкка етди.

Франциядаги газеталар спекуляция авж олиб бораётганлигини ҳаяжонланиб кузатиб турибди. «Нувo журнал» газетасининг ёзишича, Караганда, Уол-стрит биржасида акциялар нархи, тушиб кетганлиги тўғрисидаги хабарлар, шунингдек, Англиянинг июль ойидаги савдо балансида рўй берган дефицит тўғрисида эълон қилинган маълумотлар сабабли фунт стерлингнинг аҳволи муносабати билан туғилаётган ҳавотирликлар валюта спекуляциясининг кучайиб кетишига сабаб бўлмоқда.

НЕВАДАДА ЯДРО ПОРТЛАТИЛДИ

НЬЮ-ЙОРК. (ТАСС). АҚШ атом энергияси комиссияси Невада штатидаги полигонда ер остида 20 минг килотонна қувватга эга бўлган ядро портлатилганлигини эълон қилди. Шу билан бу йил 14 марта ядро портлатилди. Информация агентлигининг хабар беришича, портлашдан кейин радиоактив моддалар атмосферага ўтди: нулга баробар бўлган белгидан 500 ярд масофада радио активлик кучайганлиги аниқланди.



ЛИВАН. Байрут шаҳар кўчаларида.

П. Борис фотоси.



«Учқун» тикувчилик фирмаси рўмолга гул босиш цехининг илғор ишчиси А. Ромакаева беш йиллик шахсий топшириқларини бажариш учун ғайрат кўрсатиб меҳнат қиляпти.

М. Нурдинов фотоси.

АВИАТОРЛАР ЮБИЛЕЙИГА

Жаҳон пролетариатининг доҳийси В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб совғалар билан кутиб олиш учун Граждан авиацияси авиаремонт заводи ишчи ва хизматчилари ҳам ғайрат қилмоқдадалар. Заводнинг барча цехларида юбилейга муносиб армуғон ҳозирлаш учун социалистик мусобақалар авж олган. Завод меҳнаткашлари ҳар бир тайёрланаётган маҳсулотнинг юксак сифатли бўлиши ва ўчишда халоқатга олиб келмаслигини таъминлаш мақсадида пухта ишлашяпти.

3-цех коллективи юқори кўрсаткичларга эришди. Ҳаво винтларини ремонт қилиш участкасида коммунистик меҳнат зарбдори бригадаси ишламоқда. Бу бригада ишчилари июль ойи планини 110 процентга етказиб адо этишган эди. Ҳозир эса август ойи планини ҳам бажариш арафасида. Улар ремонт қилаётган ҳаво винтларини қабул комиссияси доимо аъло баҳо билан қабул қилмоқда. Шунинг учун ҳам улар техника контроли бўлимига ● ВАТАНИМИЗНИНГ ҚУДРАТЛИ ҚАНОТЛАРИ

Саратов методи бўйича биринчи тақдимиданоқ қабул қилинишига эришмоқдалар.

СССР ҳаво флоти кунини цехнинг бу бригада коллективи юксак кўрсаткичлар билан кутиб олаётир.

Ф. ХЎЖАЕВ.

УЛАР ОЛДИНГИ САФДА

Тошкент аэропорти снёсий бўлим бошлиғининг ўринбосари В. Приходько шақримиз ҳаво лочинларининг мардонавор ишлари ва келгусида қиладиган вазифалари ҳақида тўлқинланиб қикоя қилади:

— Аэропортнинг илғор кишилари ҳақида гапирганда, мен кўпроқ диспетчер пунктида хизмат қилаётган тинибтинчимас одамларни назарда тутаман. Ахир, бу авиаторлар штаби. Михаил Алексеевич Крутцев диспетчерлик қилаётган пайтда ҳамиша авиаторлар билан қаерда бўлмасин яқин алоқада бўламиз, улар билан маслаҳатлашади, кўрсатмалар беради.

Бу ишчан диспетчернинг тарихи жуда одди. У 26 йилдан буён аэропортда самарали меҳнат қилади. Улуғ Ватан урушида йилларида немис-фашист босқинчиларига қарши бўлган жангларда қатнашди.

Жасур учувчи Украина далаларида ҳам немис-фашист босқинчиларига қақшатқич зарба берди. М. А. Крутцев кўрсатган жасоратлари учун бир неча орден ва медаллар билан мукофотланди. Унинг кўксида Қизил байроқ орденн ва бир неча медаллар порлаб турибди. Ҳозир эса собиқ учувчи, моҳир штурман аэропортнинг Шимолн ҳаракатлари бўйича катта диспетчер вазифасини сидқидилдан бажариб келмоқда.

Биз собиқ санитария авиация учувчиси Н. В. Кузнецова билан танишдик. У Улуғ Ватан урушида яралар солдатларни жанг майдонларидан олиб чиқиб, республика госпиталларига жойлаштирарди. Ҳар бир учишда у яралорларнинг соғлом бўлиши ва омон-эсон госпиталга етиб келишини таъминларди. Ишчан аёл кексайиб қолган бўлса ҳам ўз постида ҳамон ғайрат билан меҳнат қилмоқда. Ҳаво лайнерларининг бошқариш борасида тўпланган қимматли тажрибаларини ёшларга ўргатиб келмоқда.

Аэропортнинг сершовқин бу штабида ана шундай ҳаво флотимизнинг ниҳоятда хавф-хатарсиз учишини таъминлашда ўз ҳиссаларини қўшаётган диспетчерлар кўплаб топилади. М. Мирқосимов, Ш. Нуриддинов ва бошқа авиаторлар шулар жумласидандир. Ҳозир диспетчер пункти учинчи квартал планини Барча кўрсаткичлар бўйича бажариш арафасида.

Аэропорт ишчи ва хизматчилари СССР ҳаво флоти кунини меҳнатда улкан кўрсаткичлар билан кутиб олмоқдалар. Улар ленинча меҳнат вахтасида туриб, яна ҳам аэропорт ишининг яхши бўлиши ва ҳаво лайнерларининг хавфсизлигига етиб боришини таъминлаш учун курашаверадилар.

Ф. ФЕДОРОВ.

БЕЗОРИЛАРГА ШАФҚАТСИЗ БЎЛАЙЛИК

Яқинда Ленин райони меҳнаткашлари милиция ходимлари билан учрашишди. «Восток» кинотеатрида бўлиб ўтган бу қизиқарли учрашувнинг темаси «Бундай ҳоллар билан келишиб бўлмайди» эди.

Йиғилганлар Ленин район ички ишлар бўлими бошлиғи, ички хизмат подполковниги Эшон Набихўжаевни зўр қизиқиш билан эшитдилар. Докладчи милиция ходимларининг шарафли ишлари ҳар бир кўнгилсиз воқеа-ҳодисалар содир бўлганда жасорат кўрсатиб ўз вазифаларини сидқидилдан бажаришларини гапирди.

Яқинда бир кўнгилсиз воқеа содир бўлди. Милиция ходими, сержант Кусаков граждани Егоров билан яккама якка олишди. Безорн болта билан милиция ходимига ташланади. Бироқ эпчил ва чаққон милиционер душманга ўз вақтида қаршилик қилиб, уни қуролсизлантиришга эришади. Довюрак сержант ашаддий душманни қўлга туширганлиги учун ички ишлар бўлими маъмурияти томонидан муносиб тақдирланди. Милиция ходимлари ҳаётидан бундай мисолларни қўплаб келтириш мумкин.

Район ички ишлар бўлими ташаббуси билан шаҳарда милиция ходимлари ва дружиначилар ҳамкорлигида навбатма-навбат патрулга чиқиш бошланди. Бунинг натижасида эса осойишталикни бузувчилар, безорилар ўз вақтида қўлга олинмоқда.

Район ички ишлар бўлими бошлиғи юкишларимиз осойишталигини кўз қорачиғидай асрашда фақат милиция ходимлари дружина ходимларигина эмас, балки ҳар бир граждан бефарқ бўлмаслиги кераклигини таъкидлади. Ҳа, менга нима, деб бирор жанжал ёки қонда бузувчиларни кўрганда эътибор бермайдиган юкишлар бор. Ахир барча жойда тартибни сақлаш, осойишталикни таъминлаш жамоатчиликнинг иши бўлмоғи лозим.

Бу ерда йиғилганлар милиция ходимларига турли саволлар билан мурожаат қилишди. Милиция ходимлари эса уларга қимматбаҳо маслаҳатлар беришди. Учрашув қатнашчиларн партия ва ҳукуматимизнинг жамоат тартибини сақлаш ва безориларга қарши кураш тўғрисидаги қарорларини амалга ошириш ҳақида келишиб олдилар.

Ф. ФОЗИЛОВ.

● Ленин район партия комитетида

КОММУНИСТЛАР АВАНГАРДЛИГИНИ ОШИРАЙЛИК

Саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари ва бошқа ишлаб чиқариш муассасаларида план, социалистик мажбуриятлар топшириқларини муваффақиятли бажаришда бошланғич партия ташкилотларининг роли ғоят катта. Шунинг учун ҳам район партия комитети бошланғич партия ташкилотлари ишини янада яхшилаш, коммунистларнинг авангардлик ролини ошириш ишига алоҳида аҳамият бермоқда. Бу борада партиямиз кегизи ҳисобланган бошланғич партия ташкилотлари ҳисоботларини тинглаб бориш тажриба қилиб кўрилаётир.

Район партия комитетининг навбатдаги бўлиб ўтган бюро йиғилишида «Подъёмник» заводи партия ташкилоти иш фаолияти кўриб чиқилди. Партбюро секретари Ҳакимов партия ташкилоти атрофида уюшган коммунистлар амалга ошираётган ишлар тўғрисида ҳисобот берди. Маълум бўлишича, корхона партия ташкилоти фаолиятида бир мунча ибратли ишлар билан бирга, кўпгина камчиликлар ҳам мавжуд экан. Бу ерда ишлаб чиқариш планлари муваффақиятини таъминлашда катта роль ўйнайдиган коммунистлар авангардлигини ошириш ишига кам эътибор берилади. Завод раҳбарлари ва бошланғич партия ташкилоти коллектив ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни юқори савияда олиб боришга ҳаракат қилмайдилар. Партбюро, цех партия ташкилотлари коммунистларнинг активлигини оширишда ташаббус кўрсатмайдилар. Корхона коллективининг ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини шараф билан бажариш ишига коммунистлар ва партиясиз активлар тўлиқ сафарбар этилмайди.

Буларнинг барчаси корхона ишлаб чиқаришдаги партия сиёсий маорифи кабинетининг мудири Г. В. Толмачова янги ўқув йили олдидан қилинадиган тайёргарлик ишлари ҳақида атрофлича гапириб берди. Партия маорифи кабинетида сиёсий ўқув мактабларининг дарслик китоблари, ўқув программалари, марксизм-ленинизм классиклари асарларидан иборат адабиётлар кўргазмаси ташкил этилди.

Бундан ташқари, партия ташкилотлари семинарида шаҳардаги кечки марксизм-ленинизм университетига юборилаётган тингловчиларни тайёрлаш, 1970 йил учун газета-журналларга обуна қабул қилиш тўғрисида кўпгина қимматли гаплар бўлди.

ПАРТИЯ СИЁСИЙ МАОРИФИГА ҲОЗИРЛИК

Партия сиёсий маорифи мактабларида машғулотлар бошланадиган кун ҳам тобора яқинлашиб келмоқда. Партия сиёсий маорифи шоҳобчаларида янги ўқув йилига тайёргарлик ишлари бошлаб юборилганига анча вақт бўлди. Шу масалага бағишланиб бошланғич партия ташкилотлари секретарларининг соҳалар бўйича семинарлари бўлиб ўтди.

Бу семинарларда партия сиёсий маорифини ташкил этишнинг янги принципиал масалалари, ўқитувчиларни тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ишлари ҳақида батафсил гапирилди. Семинарларда партия сиёсий маорифи мактабларининг ўқитувчилари ва пропагандистлари ҳам қатнашдилар.

ЯНГИ МОНОГРАФИЯ

«Фан» нашриёти Мустақим Мирзаевнинг «Ўзбек тилининг Бухоро группа шевалари» номли монографиясини нашр этди. Мазкур монографияда Бухоро область территориясидаги шевалар умумлаштириляди. Китобда шу пайтгача ўрганилмаган Бухоро диалектининг фонетик системаси, морфологик тузилиши ва лексик хусусияти атрофлича баён этилади ҳамда Бухоро областидаги ўзбек шеваларининг типлари аниқланади.

Монография турколог, диалектологлар ҳамда аспирантлар ва студентлар учун мўлжалланган.

А. НУРБОБОЕВ.

Шаҳримизнинг Тарас Шевченко кўчасида қурилган «Украина» гастрономи аҳолига намунали хизмат кўрсатяпти.

Ў. Шоҳафизов фотоси.

ПЛАНЕТАМИЗ ЯНГИЛИКЛАРИ

Ленин юбилейи шарафига

БЕРЛИН, ТАСС мухбири В. Гордеев хабар беради:

В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини байрам қилишга тайёргарлик ишлари Германия Демократик Республикасида тобора активлаштирилмоқда. Республика меҳнаткашлари бу зўр юбилейни ишлаб чиқаришда янги муваффақиятларни қўлга киритиш билан нишонлашга, ўзлари қурган социалистик давлатни яна ҳам кўпроқ мустаҳкамлашга интилмоқдалар.

Берлиндаги электр лампа заводининг меҳнаткашлари экспорт учун маҳсулот етказиб бериш йиллик планларини шу йил 30 ноябргача 125 процентга етказиб бажаришни ўзларига мақсад қилиб олдилар. Завод маҳсулотининг кўп қисмини Совет Иттифоқи сотиб олади. Берлиндаги «Штерн-радио» халқ корхонаси ишлаб чиқариш коллективининг аъзолари «Германия-Совет дўстлиги бригадаси» фахрий унвонини бу йил иккинчи марта олиш учун курашмоқдалар.

Германия Демократик Республикасининг пойтахтида В. И. Ленин майдонини қуриш ишлари қизғин бормоқда. Бу объектни қураётган бинокорлар «Германия-Совет дўстлиги номидаги қурилиш» деган ном олиш учун бир неча орден ва медаллар билан мукофотланди. Унинг кўксида Қизил байроқ орденн ва бир неча медаллар порлаб турибди. Ҳозир эса собиқ учувчи, моҳир штурман аэропортнинг Шимолн ҳаракатлари бўйича катта диспетчер вазифасини сидқидилдан бажариб келмоқда.

Биз собиқ санитария авиация учувчиси Н. В. Кузнецова билан танишдик. У Улуғ Ватан урушида яралор солдатларни жанг майдонларидан олиб чиқиб, республика госпиталларига жойлаштирарди. Ҳар бир учишда у яралорларнинг соғлом бўлиши ва омон-эсон госпиталга етиб келишини таъминларди. Ишчан аёл кексайиб қолган бўлса ҳам ўз постида ҳамон ғайрат билан меҳнат қилмоқда. Ҳаво лайнерларининг бошқариш борасида тўпланган қимматли тажрибаларини ёшларга ўргатиб келмоқда.

Аэропортнинг сершовқин бу штабида ана шундай ҳаво флотимизнинг ниҳоятда хавф-хатарсиз учишини таъминлашда ўз ҳиссаларини қўшаётган диспетчерлар кўплаб топилади. М. Мирқосимов, Ш. Нуриддинов ва бошқа авиаторлар шулар жумласидандир. Ҳозир диспетчер пункти учинчи квартал планини Барча кўрсаткичлар бўйича бажариш арафасида.

Аэропорт ишчи ва хизматчилари СССР ҳаво флоти кунини меҳнатда улкан кўрсаткичлар билан кутиб олмоқдалар. Улар ленинча меҳнат вахтасида туриб, яна ҳам аэропорт ишининг яхши бўлиши ва ҳаво лайнерларининг хавфсизлигига етиб боришини таъминлаш учун курашаверадилар.

Ф. ФЕДОРОВ.

В. И. ЛЕНИН ТЎҒРИСИДА ЛЕКЦИЯ

КАРАКАС. (ТАСС). Неча юзлаб кишилар Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг юз йил лигига бағишланган лекцияни тинглаш учун Венесуэла пойтахтидаги журналистлар миллий уйининг катта залига тўпланишди. Бу лекцияни совет маданияти ва фани дўстлари марказ уюштирди. Марказий университет ҳузуридаги иқтисодий ва социал тадқиқотлар институтининг директори профессор Родольфо Кинтеро лекция ўқиди.

У айтдики, марксизм-ленинизм ер курраси нинг ҳамма районларидаги революционерларнинг назарий ва амалий фаолияти учун асосдир. «Ленинизмнинг поклиги учун кураш олиб бориш ва уни догматизм ҳамда ревизионизм каби майда буржуача таъсирлардан ҳимоя қилиш зарур», — деди Родольфо Кинтеро.

Венесуэла совет маданияти ва фани дўстлари марказининг бош секретари тарихчи Федерико Брито Фигерос ўз нутқида Совет Иттифоқи Латин Америкасининг социал тараққиётига катта ҳисса қўшганлиги тўғрисида гапирди.

Лекция вақтида Венесуэла Коммунистик партиясининг бош секретари Хесус Фарна ва жамоатчиликнинг бошқа атоқли намояндалари ҳозир бўлдилар.

ДЕҲҚОНЛАР ЕР ОЛМОҚДАЛАР

ДАМАШҚ. (ТАСС). Сурия Араб Республикасида ер ислоҳоти тўғрисидаги низомга мувофиқ давлат ерларини ва катта ер эгаларидан тортиб олинган ерларни деҳқонларга бўлиб бериш давом этмоқда.

«Ал-баас» газетасининг маълум қилишича, Канта районида (Дамашқ вилояти) 295 деҳқон оиласи 10 минг донумдан зиёд (1 донум 910 квадрат метрга баравар) лалмикор ва суғориладиган ерга эга бўлганлиги тўғрисидаги ҳужжатларни олди.

ХАЛҚАРО ТАФТИШ ГРУППАСИ КЕЛДИ

ДАМАШҚ. (ТАСС). Босиб олинган Араб территорияларида Исроил инсон ҳуқуқларини бузаётганлигини тафтиш этувчи халқаро группа Сурияга келди. Группа ўз фаолиятининг натижалари тўғрисидаги ҳисоботни Бирлашган Миллатлар Ташкилотига тақдим қиладн.

● Социализм мамлакатларида

Чехословакия

Бутун бир шаҳар турган жойидан янги ўринга кўчиши камдан кам бўлади. Аммо, шу кунларда шимолий Чехиядаги Коромтул кўмир ҳавзасида жойлашган Мост — центр шаҳри айни шундай даврни бошдан кечирмоқда. 700 йиллик Мост шаҳридан тахминан 3 километр нарида янги шаҳар қурилди. Унинг замонавий шинам уйларида ҳозир 45 минг киши яшамоқда.

Геологлар бояги шаҳар территориясида жуда катта қоратмтл кўмир запасларини топганликлари ва арзон очиқ усул билан жуда катта миқёсда қазиб чиқариш мумкинлигидан шаҳарни янги ўринга кўчириб ўтказиш зарурати туғилди. Янги конлар бир неча миллард крон иқтисодий самара келтиради.

Болгария

Болгария қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари мамлакатда халқ ҳокимияти ўрнатилганлигининг 25 йиллигини катта-катта муваффақиятлар билан кутиб олмоқдалар. Социалистик тараққиётнинг чорак асри мобайнида Болгария қишлоқ хўжалиги халқ хўжалигининг юксак даражада ривож топган, энг замонавий техника билан қуролланган соҳасига айланди. Болгариянинг ўзаро иқтисодий ёрдам кенгашн доирларида социалистик мамлакатлар билан қипаётган қардошларча ҳамкорлиги бунга кўп даражада ёрдам берди.

Эндиликда Болгария қишлоқ хўжалиги ўзаро иқтисодий ёрдам кенгашига аъзо бўлган мамлакатларда етиштирилаётган савзавотнинг 37 процентини, ҳўлмеванинг 35 процентини, тамакининг қарийб учдан бирини ва помидорнинг ярмидан ошигини бермоқда. Ўзаро иқтисодий ёрдам кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг давлат планларини координациялар ва улар ўртасида тузилган узоқ муддатли савдо-сотиқ битимлари мамлакат деҳқончилик кооперативларининг ривож топишига ёрдам бермоқда. Кооперативлар ихтиёрида жуда кўп трактор, комбайн, машина ва бошқа қишлоқ хўжалик техникаси бор. Сўнгги 10 йил мобайнида қишлоқ хўжалигининг ҳар минг гектар ишлов берладиган ерида фойдаланилаётган механик дамгателларнинг қуввати 300 от кучидан 1100 от кучига қадар ўсди.

Болгариядаги катта-катта деҳқончилик кооперативлари ўз маҳсулотлари учун ўзаро иқтисодий ёрдам кенгашига аъзо бўлган мамлакатлардаги йирик бозорлардан фойдаланмоқдалар.



БУДАПЕШТ. Совет пассажир самолётлари Москва — Будапешт — Москва ҳаво йўли бўйлаб мунтазам қатнайди.

СУРАТДА: Фериходь аэропортида «ТУ» самолётига чиқиш эълон қилинди.

ЯПОНИЯ ЖАМОАТЧИЛИГИ ТАШВИШЛАНМОҚДА


ТОКИО, ТАСС мухбири Л. Вольнов хабар беради:

Ҳукуматнинг қуролли кучлар сонини кўпайтириш соҳасидаги тадбирлари ва ҳарбий саноатни тез ривожлантиришни талаб этаётган Япон монополияларининг тажйиқи муносабати билан япон жамоатчилиги тобора ташвишланмоқда.

Ҳукумат июль ойининг охирида қуролли кучлар сонини кўпайтириш тўғрисидаги иккита қонунни парламентда қабул қилдирган эди. Шундан кейин ҳукмрон либерал-демократик партиянинг миллий хавфсизлик масалалари билан шуғулланувчи комитетининг раиси Нака Фунада август ойининг бошларида бир миллион кишидан иборат «Миллий гвардия» тузишни таклиф этди. Фунаданинг таклифи Жанубий Корея, Жанубий Вьетнамдаги халққа душман бўлган, қўғирчоқ режимларга кўпроқ қуролярог юборишга рухсат беришга ҳам даъват этади.

Ниҳоят. Япония катта бизнесининг штаби бўлган иқтисодий ташкилотлар федерациясининг «Мудофаа саноати» — масалалари билан шуғулланувчи комитети ўз мажлисини ўтказди. Бу мажлисда ҳарбий саноатни ривожлантириш ишларини ҳукуматнинг қуролли кучларни кўпайтириш соҳасидаги тадбирлари билан мувофиқлаштириб олиб бориш планлари муҳокама қилинди.

Япония жамоатчилиги мамлакатни хатарли ҳарбий авантюралар гирдобига ташлаш билан таҳдид қилаётган шу хилдаги планларга қарши чиқмоқда ва Японнянинг Осиё мамлакатлари ҳамда Тинч океан районидаги ҳарбий-сиёсий гуруҳларнинг антикоммунистик пакти қуролига айланиб қолиш хавфи борлигини уқтириб ўтади.



ВАРШАВА. Иерусалим хиёбони.

ЛОНДОНДЕРРИДА ЯНА ҒАЛАЁНЛАР

ЛОНДОН, ТАСС мухбири А. Дряхлов хабар беради:

Шимолий Ирландиянинг катталиги жиҳатидан иккинчи ўринда турган шаҳри Лондондеррида яна ғалаёнлар бошланиб кетди.

Шаҳарни инглиз католикларидан XVII асрда ҳимоя қилганлар хотирасига бағишлаб Лондондерри протестантлари ҳар йил ўтказадиган «Халфалар юриши» ўтказилган эди. Ўта ўнг унсурлар ўтказилган шу юришдан гражданлик ҳуқуқлари учун кураш тарафдорлари билан тўқнашувларни ташкил этиш мақсадида фойдаландилар.

Лондондеррин и н г католиклар яшайдиган районидаги аҳолияъни мана шу юриш қатнашчилари бундай тўқнашувлар бўлишидан хавотирланиб, ўз районларига келадиган кўчаларга баррикадалар қурдилар. Лондондеррининг мана шу районида шаҳар аҳолисининг энг ҳуқуқсиз ва камбағал қисми истиқомат қилади.

Юриш бошланганидан кейин орадан сал вақт ўтгач, фашистпараст пастор (руҳоний) Ян пэйслининг мутаассиб тарафдорларидан иборат оломон тўсиқларни ёриб ўтди ва гражданлик ҳуқуқлари учун кураш ҳаракатининг қатнашчилари билан катта тўқнашувлар бошланиб кетишига сабабчи бўлди.

ПРОЛЕТАР БИРДАМЛИГИНИНГ КУЧ-ҚУДРАТИ

ҒАРБИЙ БЕРЛИН, (ТАСС). Ғарбий Берлин бирлашган социалистик партияси правленесининг органи «Ди вархайт» газетаси прогрессив кучларнинг курашида пролетар интернационали з м и принципининг аҳамиятига бағишланган мақолани босиб чиқарди.

Коммунистик ва ишчи партияларнинг Москвада ўтказилган кенгаши, деб таъкидлайди газета, марксизм-ленинизм ва пролетар интернационали з м и асосида уларнинг бирлигини мустаҳкамлашга ёрдам берди.

Пролетар интернационализм, деб уқтириб ўтади газета, ҳар бир мамлакатдаги ишчилар синфининг позицияларини мустаҳкамлайди, пролетар интернационали з м и миллий озодлик ҳаракати прогрессив кучларининг манфаатларига, нокапиталистик тараққиёт йўлига ўтган ёш миллий давлатларнинг манфаатларига хизмат қилади. Пролетар интернационализми социалистик мамлакатларда контрреволюциян и н г ошкора ва яширин ҳужумларига қарши социалистик тараққиётни таъминлайди.



Газетхон ижодлари

КОЛХОЗЧИ ШОИР



Очил ака ёшлигидан бери шеър машқ қилади. У Навоий, Ҳофиз, Камол Хўжандий, Саъдий, Муқимий ва Фурқат каби классикларнинг асарларини қайта-қайта мутолаа қилганлигидан бўлса керак, асосан эруз вазнида қалам тебратади. Дўстлик, меҳнат, ёр, ҳижрон, инсонийлик мотивлари ижодининг тематикаси бўлиб қолган.

Очил ака кўп йиллардан буён маҳаллий «Пахтакор овози» газетаси ва область газетаси «Ленин йўли»да ўз шеър ва мақолаларини билан қатнашиб келяпти.

Очил ака Самарқанд область, Нарпой районидаги «Октябрь» колхозининг Қорахтой қишлоғида яшаб ижод қилади, изланади. Бахтли даври билан фахрланади, уни мадҳ этади.

Қуйида эътиборингизга Очил Равшан ўғли ижодидан намуналар ҳавола қиламиз.

ВАТАНИМ

Сенга соз куйлайин мадҳинг, қабул айла гўзал ўлкам,
Шарафим, бахтим, иқболим, қароргоҳим, ўзинг ҳар дам.
Ўсиб бағрингда бўлдим бахраманд ёз, қиш, баҳорингдан,
Кўзимга тўтиё қилсам бу зар тупроқларингни кам.
Жаҳонда тенги йўқ бир боғ мисол яшнаб чаман бўлдинг,
Толиб шону зафар қўйнингда эл меҳнат қилар ўйтам,
Агар боғинг аро кирса ситам чеккан ё бир дардкаш,
Даво айлаб муҳаббатдан қилур халқинг уни бардам.
Топибман Равшан ўғли мен букун бахтимни меҳнатдан,
Яна гулла, Ватан, авж ол, қилай меҳнат яна меҳкам.

ҚИЗ ҚЎШИҒИ

Ёр юборган узукча тақай десам тор экан,
Тақмай, десам ёзилган вафо сўзи бор экан.
Тақай, тақмай демай ҳеч, майли кўлим оғриса,
Ёр дили оғримасин, чин севги изҳор экан,
Меҳрин қўйиб узукка ёзибди хат нигорим,
Бўлсин бахти барқарор, вафодор дилдор экан.
«Кетдик чўлга» — деганда куйдим билмай фироқда,
Кутсин энди борай, ёр ишқи менга ёр экан.
«Орзунг чўлми» деб менга қўйинг таъна қилманг,
Бўлса ғайрат, севги, ёр чўл боғу гулзор экан.

ГЎЗАЛЛИК

Дераза мнинг олдига бехос
Учиб келиб қўнди бир қушча.
Бир қушчаки, ажиб, ўзга хос,
Деёлмадим, о, гўзалсан бунча!
Қушча тилга кирдию шу он
Киноя ли сўзлади бийрон;
Чин гўзаллик чеҳрада эмас,
Унутдингми буни, эй инсон?
«Пир» этдию йўқолди кўздан,
Сингиб кетди осмон фалакка.
Мен пушаймон айтган бир сўздан,
Тикилганча турардим кўкка.

Дилором ТОЖИЕВА.

БЎЗ ОҚШОМИ

Сувларимда қалқир ой акси,
Шўр ювaман оқшом чўксa ҳам.
Қулоқ бериб бўзнинг оҳига,
Дардларига қўймаи малҳам.
Шўр ювaман оқшом чўксa ҳам,
Кўзга суртиб бўзнинг тупроғин.
Жон бағишлаб умр бераман,
Обдон ювиб минг йиллик доғин.
Шўр ювaман оқшом чўксa ҳам,
Тунни қувар эртам ёлқини:
Эрта тошар шод чаноқлардан,
Бу оқшомим мазмун-олтини.

Ғани АБДУЛЛАЕВ,
боғбон.

ФАҚАТ...

Учраштирди тақдир ногаҳон,
Ўхшаш эди фикр ва хаёл.
Уз сирмиз сақламай пинҳон
Учрашувда этгандик аён.
Узоқ дўсту, яқин қадрдон,
Шу суҳбатдан ўтаркан бир-бир...
Ҳаётдаги ғамгин ва шодон
Дақиқалар сақланмади сир.
Фақат...
Фақат қалбнинг истаги,
Айтилмади ўша суҳбатда.
Муҳаббатнинг ёзган куртаги,
Қолиб кетди шу ёзган хатда.

Одил АБДУРАҲМОНОВ,
Андижон.

ҒАЗАЛ

Тутманг из дўстлар яқо. беордин бегонаман,
Севги рози тингламас дилдордин бегонаман,
Қиз бўлиб дил розини Барчин изҳор этди-ю,
Мен уятга бош эгиб, изҳордин бегонаман.
Шеърларим битсам-да гар пинҳона ишкда ёниб,
Лекин исмин айтгали гуфтордин бегонаман.
Узгалар-ла ёнма-ён номинн кўргач анинг,
Ҳам юрак, ҳам ақл, ҳам ашъордин бегонаман,
Оразин чизмоққа, йўқ, тутмайин энди қалам,
Дил аталган энг буюк меъмордин бегонаман.
Ёш дилингда эй Дилором, бунчалар озорииг кўп.
Сен куярсен, ул дегай «асрордин бегонаман».

Дилором СУЛТОНОВА.



СУРАТДА: шаҳримизнинг сўлим бурчларидан бири бўлган Гагарин номидаги истироҳат боғини кўриб турибсиз. Бу суратни Эркин Тўраев редакциямизга йўллаган. У ўз фото суратлари билан тез-тез газетамиз саҳифаларида қатнашиб туради.

ДИЛТАШНАМ

Тоғ сайрида бўлдим узоқ,
Чарчаб тушдим сой бўйига.
Қалбим жўшиб мисли булоқ,
Сирдош бўлди сув куйига.
Сой бўйидан соч ўйнатиб,
Қиё боқиб кузатди қиз.
Сув сўрадим, юрак ютиб,
Кўзасини узатди қиз...
Тоғ гўзали, шундан буён,
Ҳаёлингга мен ошнаман.
Сен сув тутган кундан буён,
Дийдорингга дилташнаман.

БУТОҒИДАН АЖРАЛДИ-Ю...

Биргина барг шамшод шохидан
«Чирт» этди-ю, узилиб тушди.
Шамол эсиб, ўз даргоҳидан
Шўрлик бошқа томонга кўчди.
Кунлар оша у ёлғиз япроқ
Қовжиради, бўлди заъфарон,
Бутоғидан ажралган чоғ
Ўз умрини айлади хазон...

Розиқ РЎЗИЕВ,
Бухоро.

ШАБНАМ

Олтин шабнам гулнинг баргида
Турар эди нозик илиниб,
Шамол кучли тебранганида,
Шабнам тушди ерга силкиниб.
Ва қўшнинг заррин нурлари,
Нурлатмади гулнинг баргини,
Чунки шабнам ювиб кетганди
Гул баргининг асл рангини.

Мунира АҲМЕДОВА,
ўқувчи.

Эҳзанглар

Ҳикоя

Уфқдан чарақлаб чиққан қуёш кечаси ер бетини оқартириб қўйган қорни тушга бормай эритиб юборди. Шаҳар кўчалари сув сепилгандай ярқираб қолди. Енгилгина, лекин совуқ шабада елади. Дов-дарахтларда илиниб турган сўнгги япроқлар омонат пилдирайди. Йўлкалар одатдагидек одамлар билан гавжум: биров у ёққа-биров бу ёққа тинимсиз ўтади.

Одмигина чит қўйлак устидан эскироқ пахталик кийиб олган Руқия хола автобус бекатида дилдираб турибди. Унинг қорда оқарган сочларидан бир неча толаси тивит рўмолидан чиқиб, ажинли юзларида аста тебранади. Бироқ. Руқия холанинг бу билан иши йўқ. У кўчани тўлдириб ўтаётган енгил машиналарга олазарак бўлиб тикилади. Кимниддир кутади.

Ён томондан автобус бекатига келиб тўхтаган қотмагина йигит уни таниди. Тезгина ёнига бориб салом берди. Кампир йигитга алланглаб қаради ва бир зум тикилиб турди. Кейин бирдан юзлари ёришиб кетди.

— Солижоннинг ўртоғимисан, бувинг қоқиндик. Отинг Орифмиди. Кўрмаганимгаям кўп бўлди. ўзгариб кетибсан. Ҳарбийниям битириб келсанда...

Одатдагидек анча вақт бир-бирларидан ҳол сўрашишди. Руқия холанинг ози гапда, қулоғи Орифда бўлса ҳам, кўзлари билан ҳаёли йўлда эди. Буни йигит ҳам пайқади.

— Бировни кутяпсизми?

— Солижонни кутиб турибман, қоқиндик. Ҳали — замон кеп қолиши керак. Рапидайса деган жойга кетган...

— Рапидайса?..

— Ҳа, болам, ашула ўрганадиган жойни рапидайса дермиш-ку,

— Э-э.. У репетицияга кетган.

— Ҳа-а! Рапидайсага... Катта артист бўлиб кетди-ку, ахир.

— Ўғлингиз машинаям олдими?

— Ҳали хабаринг йўқмиди... Овози яхшимасми, тўй қилувчилар, ялиниб-ёлворишиб олиб кетишармиш уни. Кўп пул бершармиш. боз устига қистиришармиш... Шундай қилиб уйланди, машинаям олди. Баъзи одатларимиз яхшимас-да, болам, нима қилишарди ёш болани пулга ўргатишиб... Солижон буларни нечук хат қилиб ёзмапти сенга.

Орифнинг бадани жимирлашиб кетди. Беихтиёр кўз олдига бундан олти йилча муқаддам ўрта мактабни ўзи билан бирга битирган ўша писмиқ Соли келди. Қизиқ, у ҳалиям ўшандаймикан — деган фикр миясидан ялт этиб ўтди. Буни Руқия хола ҳам сезиб қўйгандай, ўғлининг яхши хусусиятларини гапира бошлади.

—Тўғрисини айтсам... Қоқиндиқ, пулга ўчлигини ҳушламайман, Лекин у шунақаям одамшаванда, камтар бўлган-ки. бир кўрсайдинг. Мени ҳурматлашини айтмайсанми, қўйиб берсам бошида кўтариб юргудек, болам бечора.

— Яхши,— деди Ориф кампирнинг гапларига қандай жавоб қилишини билмай...

Бир-икки автобус ўтиб кетди. Ориф Руқия холадан ажралгиси келмай, уларга минмади. Баҳонасабаб билан собиқ синфдошини ҳам кўриб қолмоқчи бўлди...

Ориф онасидан беш яшарлигида ажралганди. Отаси фронтдан қайтиб келганидан кейин бир-икки йил юрди-да, яна уйланди.

Тўғрисини айтганда, ўгай онаси Орифга ўгайлигини билдирмади. Бувисининг қўлида қолган Орифни ўз қўлига олиб тарбиялади. Она ўрнида қойинганда қойинди — мақтаганда мақтади-ю, лекин ўқситмади.

Боланинг кўнгилчалиқ нозик нарса борми дунёда! Ўгай онаси шунчалик жон куйдирса ҳам, баъзи-баъзида ўз онасини қўмсаб қоларди у. Шундай пайтларда юраги изтироб билан тепар ва уни ўз ҳолига қўймай қайларгадир— боши оққан тарафга бошлаб кетарди. Бир соат — икки соат, баъзан кун бўйи шаҳар кўчаларида дайдиб юрар, атрофидан ўтаётган ҳар бир нотаниш аёлга мўлтиллаб тикилар — афтидан ўз онасини қидирар эди. Лекин у дайдорига тўёлмай қолган ўша мунис сиймони тополмай, уйга қўнғироқ қилиб қолди. Бу гал у онасининг бошқа ўхшашини топди. Солижоннинг онасида Лутфихонга қандайдир яқин ўхшашлик бор эди. Демак, у онасига ҳам ўхшайди. Синфдошлари унча ёқтирмайдиган Солижон билан Орифнинг қалинлашиб қолишига ҳам сабаб шу эди.

Илгарилари Ориф Руқия холани кўргани Солижон билан тез-тез борib турарди уларникига. Ўрта мактабни битирганларидан кейин Солижон иккаласи бир институтга имтиҳон топшириширди-ю, бироқ. Ориф конкурсдан ўтолмади. Шундан кейин у бир оз тажриба тўплаш мақсадида оддий ишчи бўлиб, аллақандай экспедиция составида Қизилқумга кетди. У ерда икки йилча ишлаганидан кейин армияга кетди. Шу-шу Руқия холани ҳам. Солижонни ҳам кўрмаганди у...

Орадан алламаҳал вақт ўтди ҳамки, Солижондан дарак бўлмади. Энди Орифнинг тоқати тугай бошлади. Зора шу бўлса, деган хаёлда ўтган машинага тикилади, Лекин кутгани бўлиб чиқмасди.

— Ўғлингиз қай маҳалда келмоқчийди?— деди у ўзини хотиржам тутишга тиришиб.

— Келадиган вақти бўлди, болам,— деди Руқия хола бепарвогина.— Уйга борганида рапидайсадан келяпман онажон деганди. Ҳар доим шу маҳалда бўшаб чиқармиш.

— Ўзингиз қачон келгандингиз?

— Ҳозиргина... Солижонимни кўрмаганимга анча бўлди, қоқиндиқ. Бугун бир кўргим келиб... Йўл-юзада бўлсаям кўриб қолай девдим. Унинг ўзи боролмайди, ишлари кўп, болам.

Руқия хола вақтнинг ўтаётганини гўё сезмас эди. Унинг бутун вужуди кўз бўлиб йўлга тикиларди. Қани эди, қани эди унинг шунча кутганига яраша Солижон кела қолса-ю. уни бағрига босганича ҳол-аҳволини сўраса! У шу дақиқа учун бу ерда кечаси билан қолиб кетишга ҳам тайёр эди.

Қуёш ғарб уфқига яқинлашиб қолганлигидан, ҳаво тобора совурди. Совуқ бадан-баданларини сирқиратиб юбораётганидан-ми, Руқия хола баттарроқ дилдирарди. Унинг бу туришига қараб, Орифнинг юраги ачишиб кетди. Машина олишга қурби етган ўғил наҳотки ўз онасини тузукроқ кийинтириб қўёлмаса — деган гап келди хаёлига. У Солижонни қандай авайлаб, силаб-сийпалаб ўстирганди-я. Еки машина оламан, деб бир оз чиқимдорроқ бўлиб қолдимикан? Ундай бўлса нега онасини ташлаб, ундан ажраб кетади?!

Кейинги ҳаяжонли савол Орифни тинчитмади. У юз андишага бориб турган бўлса ҳам буни Руқия холадан сўради.

— Ўғлингиз ажраб кетиптими?

— Шундай бўлди, қоқиндиқ, келиннинг райига қараб ўзим ажратдим уни. Янги уйларига олиб кетишмоқчиям бўлишувди, бормадим. Ота-бобомдан қолган ўша мерос уйни ташлаб кетгим келмади-да, болам. Омон бўлишсин, ажраб кетишсаям ўт-сувимдан хабар олиб туришади...

Руқия холанинг гапи бирдан бўлинди. Унинг кўзлари яқинлашиб келиб қолган жигарранг «Волга» рулида ўтирган Солижонга тушиб қолди. У ҳам онаси билан Орифга бир-бир қаради ва ёнидаги бақалоқ кишига алланарса деб, сал нарироқда машинасини тўхтатди.

Солижон таомилга кўра Ориф билан қучоқлашиб кўришди. Руқия хола ҳам ўғлини бағрига босиб, пешонасидан ўпди. Кўзлари пирпираб, Солижоннинг бошидан оёғигача қараб чиқди. Ҳеч еридан нуқсон топмади шекилли, кўнгли тинчиди. Ҳол-аҳволини сўради.

—Раҳмат, онажон. Ўзингиз яхши юрибсизми? У —бу нарсалардан қийналмаяпсизми?— деди у ҳам онасига жавобан ширин сўзхаплик билан. Кейин Ориф билан сўраша бошлади.

— Оббо Орифжон-ей. кепсизда. Бундай биз тарафларга ўтай демайсиз ҳам.

— Ҳеч вақт бўлмайди дўстим,.. Борармиз бир куни.

— Онам билан бир ўтиниглар, суҳбатлашиб ўтирамиз.

— Раҳмат, вақт бўлса албатта.

Машинада ўтирган бақалоқ киши чўзиб сигнал берди. Солижон Орифга қўл узатди.

— Майли бўлмасам, бизга рухсат берасизлар. Бир зарур иш билан...

У онаси билан ҳам пари-бери ҳайрлашди-да, машинаси томон югурди. Бирпасдан кейин машина ўрнидан текис қўзғалди...

Руқия хола машина ортидан нигорон бўлиб тикиларди. Гўё узоқлашаётган машина билан унинг юраги қандайдир кўзга кўринмас ип билан боғланган-у, бу ип тобора таранглашарди.

Машина кўздан гойиб бўлди. Сўнгги дақиқагача таранглашиб бораётгандай туюлган бояги сирли ип ҳам бирдан, «чирт» этиб узилгандай бўлди. Руқия холанинг неча йиллардан буён умид-ўкинч, ғам-севинчлар билан тепиб келаётган қалби энди қандайдир мувлай бошлади.

У ўзи билан фарзанди орасида ўтиб бўлмас бир чоҳ пайдо бўла бошлаганини илк марта сезгандай бўлди. Шунинг ўзиёқ бундан атиги уч ё тўрт минут илгари фарзанд меҳри билан тўлиб турган юрагида исён қўзғади. Хижолат ва алам хира кўзаларида ғазаб оловини ёқди. Вужудидан қандайлигини белгисиз, лекин шафқатсиз бир қарғиш отилиб чиқиб кетай деди-ю, аммо ўзини оёғга тутиб қолди. Ич-ичидан сизғиб чиқиб, томогини темир қўллар сингари сиқаётган ўкинч ҳиссини Орифга билдиргиси келмади унинг.

Бироқ, Ориф буларнинг ҳаммасини сезиб турарди. У Солижоннинг бояги бақалоқ билан эътиборлироқ бир кишининг тўйига кетганини ҳам сезди. Шунинг учун Руқия холани нима биландир овутмоқчи, унга тасалли бермоқчи бўлди-ю, лекин нима дейиш кераклигини ўзи ҳам билмади. Кўз олдидан Лутфихон қиёфасидаги ўз онасининг тасвири кино лентасидагидек липиллаб ўтди. Қизиқ, агар онаси тирик бўлганида у нима қиларди? Ҳамиша ўйлагандек, уни бошида кўтариб юрармиди ё...

Ориф шу тобда, эрталаб ўзини ишга кузатиб қўйган ўгай онасини кўргиси келиб кетди. Ҳанузгача қалбининг аллақаерларидан макон тошиб келаётган болаларга хос неча дақиқадаёқ ўчиб кетгандай бўлди. У гўё ҳаётнинг ҳали ўзи учун мавҳум бўлган ўткир қирраларидан бирини кашф қилгандек эди ўзича...

Ориф сўзсизгина бурилиб кетаётган Руқия холани тўхтатиб. Солижоннинг уй адресини сўради...

Сайим ИСҲОҲОВ.

Экран янгиликлари

«АННИЧКА»

Сценарий муаллифлари: Б. Загорулько, В. Ивченко. Постановкачи режиссёр Борис Ивченко.

Ролларда: Анничка — Любовь Черновал-Румянцева, Андрей —Григорий Григорьиу, Кметь — Константин Степанков, Роман — Иван Николайчук, Ярослав—Анатолий Барчук.

А. П. Довженко киностудиясининг маҳсулоти.

Тинч Гуцульск қишлоғи. 1943 йил. Ўрмон четидаги отишма овозлари эндигина тинчиди. Бир қанча украин ўғил-қизлари карпат ерида абадийликка қолдилар.

...Улардан фақат уч ўқ автомат ва биттагина одам қолди. У ўрмонда ётарди, ёшгина қиз Анничка кўзиқорин териб юриб уни кўриб қолади.

Қиз уни кўриб қаттиқ қўрқади ва қочишга шайланади-ю, бироқ инсон бошига тушган фожиани кўриб туриб қолади. Қиз майиб партизанни хилват жойга олиб бориб, ёт кўзлардан асрайди, ўт ва малҳамлар билан даволайди. Ниҳоят, қиз уни севиб қолади. Нима учун севгани ўзига ҳам маълум эмасди.

Анничка қишлоқ бойи Кметнинг разил оиласида вояга етган эди. Кметнинг ўзи ҳам итдек ишлар, бошқаларга раҳм-шафқат қилмас, ҳатто хотинини ҳам тинчитмасди. Одамлар турли ишларни қилишар, бояқиш қиз учун бошқа ҳаёт бўлмаган ва бўлиши ҳам мумкин эмасди.

У ҳамқишлоқлари совет одамларига турли қарашда экспликларини сеза бошлайди. Иванко Ковпаковчиларга катта ёрдам беради. Батрак Ярослав хўжайиннинг золимлигидан нафратланиб Андрейни қутқариб қолишда ёрдам беради. Қизга унаштирилган Роман, поп қизи Серафима ва полициячи Крупяк ўз ҳамқишлоқларини мақсаралаб душман учун хизмат қилади.

Анничка эса бир куни Ярославдан отаси Андрей изига тушганини, душманлар тутиб олганини, ҳатто отаси унга ўқ узганини билиб қолади. Қаттиқ изтиробга тушган Анничка отасидан Андрейни қутқаришни, акс ҳолда немисларга партизанларни биз беркитдик деб айтажагини билдиради. Агар отаси унинг талабини қондирса у Романга эрга чиқишини айтади.

Ярослав ёрдамида қиз ўз тўйида Андрей билан тоққа, партизанлар олдига қочади. Бу Кметь учун фожиа эди. Нима қилишини билмай бошқотган ота қочоқларга ўқ узади ва ўз қизини ўлдиради.

СУРАТДА: фильмдан кадр.



«Орзулар палласи»

Фильм сценарийсини Халина Снопкевич ўзининг шу номли қиссаси асосида ёзган.

— Бу фильм ёшлар ҳақида,— дейди фильм режиссёри Збигнёв Хмелевский, — менинг қаҳрамонларимнинг эрки ўз қўлида улар ҳаётни ўзларича кузатиб, ўзларича муносабатда бўладилар. Бундай ёшлар кўплаб учрайди. Менинг мақсадим ҳам оширмай, камайтирмай уларни нималарга қодиру, қобил эканликларини кўрсатишдир. Фильм қаҳрамони Людка 15 ёшда. Бу қиз чиройли бўлиши билан бирга, ёлғоқи ҳам эди. Уни биринчи муҳаббат қаршн олади. Унинг муҳаббатини уйғотган кимса қаршисидаги дераза дан боқиб турувчи келишган ва мулойим юзли нотаниш бир киши эди.

15 ёшга тўлганингда ёнингда қандайдир гўзал, олижаноб бир киши турса... Бироқ қизнинг танлагани шунчаки диққатдан ташқари бир одам эди.

Мана шу кўнгилсиз ҳол акаси Стефаннинг «муваффақиятсизликлари билан қўшилиб кетади. Людка катталар дунёсини тушуна олмас. улар хоҳлаганидек яшай олмасди. мустақил яшашга интиларди. Унинг бу интилиши мактабда ҳам, оилада ҳам қаршиликка учрайди. Акаси ва тарбиячиси билан бўлган суҳбатларда уларнинг фикри бир ердан чиқади. Синфдоши Марек билан дўстлашуви бир-бирларининг келажак ҳақидаги орзулари, қарашларини бирлаштиради ва биринчи алданган муҳаббат ҳиссини унутишга ёрдам беради, ҳақиқий орзу қилган муҳаббатига, олийжаноб эркакни топишга йўл очиб беради.

Фильмни «Старт» (Польша) ижодий коллективи суратга олган.

СУРАТДА: фильмдан кадр.

Хожи Аҳмар

Чўпчўма

Қисса

Эрталаб мен ҳаммадан кеч уйғонаман. Врач пилесосни ўчириб полка четига ўтирган проводник билан сўзлашади. Студент билан Қиз эса купеда йўқ. Мен дераза олд олисларга қарайман.

Йўл ёқалаб баҳор ёмғирига чўмилган кўм-кўк далалар югуради. Ёғоч, нефть, экскаватор ва юк машиналар ортилган поезд гувиллаб ўтади.

Қарағайларнинг учи энди чиқиб келган қуёш нурида оловдек тобланади. Осма кўприк тагидан ўтган сокин дарёда, қайиқда қармоқ ушлаган икки ўспирин ўтиради.

Юридордан вагон-ресторанда ишлайдиган официантканинг овози эшитилади:

— Иссиққина пирожка, кофе, колбаса! Иссиққина пирожка, кофе, колбаса...

Қиз билан Студентнинг суҳбатини эшитолмай хуноб бўлганим учун дарҳол пайтдан фойдаланаман.

— Биз ҳам нонушта қилсак бўларди...

Врач китобдан бош кўтариб, Қиз билан Студентга мурожаат қилади. Саволни қайтаради.

— Бирон соатлардан кейин!—жавоб беради студент.

Поезд тормозлари вишиллаб, вагон титрайди. Ярим очиқ турган эшик шарпирдан кўзгалиб, юриб кетади. Мен тумшуқни олишга улгуришим билан, шақ этиб ёпилади ва ойнада, ундов белгисидек, менинг афтибашарам пайдо бўлади.

— Сендақа рақибдан ўргилдиму!— дейман ичимда ва бу башарани қайтиб кўрмаслик учун, эшикни шарақлатиб очаман. Лекин эшик орқасида ўзимдан ҳам «хўроз»роқ башарани кўраман.

Коридорда эшикни тақиллатайми-тақиллатмайми деб, қўшни купедаги семиз киши турипти.

— Э, қўшни кечирасиз,— деди у негадир менга мурожаат қилиб.— Сизни бирикки партия шахматга таклиф қилмоқчи эдим...

Шундай қилиб камина ҳам ўзимга улфат топиб олдим. Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб зикр қил деганларидек семиз қўшнига қараб туриб, фикр қилишга киришдим.

Шахмат ўйнаш маҳорати тахминан бизга тенг. Салобати ҳам — жуссаси уч-тўрт марта катта бўлишига қарамай, бизникидан вазминроқ эмас. Яъни бурунгилар «ўхшатмагунча учратмас» деган нақлни бежиз айтмаган.

Бошда ўйин бир текис кетди. Яъни боксчилар тили билан айтганда ҳар иккаламиз ҳам бир-биримизни баравар муштладик. Лекин ўз фикрлари билан банд бўлган камина бир жойда қиттак хатога йўл қўйдим. Семиз қўшни дарҳол «ман қилинган усулни» қўллаб, қориндан пастга туширибқолди. Яъни мен тасодифан бир отни сурганимда гарди эълон қилмай туриб, фарзинимини олиб қўйди. Шундан кейин менинг ишим борган сари орқага кетди.

Гап қарийб мот бўлишга келганда, эшикда Қиз пайдо бўлди.

—Сизни нонуштага кутяпмиз,— деди у.

Тўғриси бу таклиф менга ёқмади. Шахматчилар яхши билишади, бундай пайтларда ҳеч қандай қазо-карга татимайди кишига.

— Яхши эсга солди,— деди семиз ва пастга эгилиб, саквояждан бўғзи кўриниб турган пиво шишаларини кўрсатди.— Қолаверинг, ўйинни тугаллаб ўзимиз бир отамлашамиз. Бугал ютган қуйиб беради, кейин ютқизган, ҳа, ҳа, ҳа!

Биринчи партияни бой бериб, отларни иккинчи партия учун тикдим.

Бу орада яна девор тақиларди. Қўшним «қолаверсангчи» дегандек ишора қилди. Мен беш минутда қайтишга ваъда бериб ўрнимдан турдим.

Бизнинг купеда ишлар қизғин. Студент консерва банкасини очади. Қизимиз гўшт, тухум, сариёғ ва ҳаказолари дастурхонга қўяди ва айни вақтда Врач билан суҳбатлашади.

Мен кирганда Врач сурилиб ёнидан жой берди. Овқат тўрвага чўзилган қўлимни ушлаб, «сизникига ҳам назбат келади» деди ва суҳбатни давом эттирди.

— Сиз боя томчи сувда олам акс этади, дедингиз,— давом этди Қиз.— Шуни яхши тушунмадим.

— Буни аввал мен ҳам тушунмасдим,— жавоб берди Врач.— Лекин тажриба шуни кўрсатдики, мутлақо тўғри гап.

У ювилган стакандан гугурт қутисига бир томчи сувни туширди.

— Мана, қаранг!

Дарҳақиқат, томчига диққат билан тикилган киши унда купеда бор нарсалар, ҳатто деразадан югуриб ўтаётган манзарани ҳам яққол кўриши мумкин эди.

— Сиз айтган ёзувчи буни, албатта, бошқа маънода айтган бўлса керак?

— Албатта. Лекин принцип битта. Масалан: учта китобдан сизнинг кимлигингизни пайқаш мумкин бўлди: ёш дўстимизнинг папирос ушлашидан унинг чекмаслигини билдингиз. Ёки:— Врач менга қараб кулди,— ёш дўстимиз шахматчи эканини биз яхши биламиз. Чунки шахмат назарияси китобини фақат шахматчи эканимни қаёқдан билганингизни айтасиз.

Қўшни хиринглаб кулди, қўлидаги шиша таги билан қорнини - қашиди, кейин менга эгилди.

— Қаерда кални кўрсангиз, нечанчи разрядсан деб сўрайверинг, ҳа, ҳа, ҳа.

— Менинг иккита ошнам бор,— сўзида давом этди семиз менга парво қилмай.— Шахматда уларга тенг келадигани йўқ. Сиз худди ўшаларнинг ўзисиз-а, вей... Қани кўтаринг!.

— Юринг!— дедим мен стаканни столнинг нариги чеккасига тарақлатиб қўйиб.— Сиздақа шинавандадан ўргилиб қўйдим-ку.

— Ия: хафа бўлдингизми?— яна хирингладиСемиз.— Мен бўлсам сизни кўриб хурсанд бўлдим. Чунки ўзимиз ҳам каллардан-миз-да! Ҳа, ҳа, ҳа! Ҳозир медицина зўрайиб кетиб бизга ўхшаш беморларни аллақачон тузатиб юборган. Қолган бўлсаям ўзларига ўхшаган нарироқлари қолган, ҳа, ҳа, ҳа! Мана, юрдик:—Семиз менга қараб кўз қисди.— Лекин шуни айтиш керакки, каллар жононларга сира бўш келишмайди.

Семиз менинг стаканимни олиб жойига қўйди, ўзига яна қуйиб уни бир кўтаришда бўшатиб жойига қўйди.

— Ҳалиги ошналаримдан бири яқинда эски шаҳарда пайпоқ сотадиган бир жононга ошиқу-беқарор бўлди. Улфатлар ҳў, фалончи эҳтиёт бўл,, тағин шарманда бўлма, деб огоҳлантиришди. Ошнам кўрамиз деб, эски шаҳарга жононнинг дўконини излаб кетди...

Шу ердан битта шах.. Эртаси куни қарасак танишиб олипти, азамат. Яна шах!... Кейин менга битта ҳикмат айтди. Унинг чуқур эътиқодига кўра беш кунлик дунёда киши умрини нечоғлик кўнгилхушлик билан ўтказиши керак. Идло емаган-ичмаганники доимо бировга буюради. Бугун ўн танга топдингми, ундан биттасини олиб қол-да, тўққизтасига маишат қил. Гуруччга, масалан, жон берадиган нарса нима? Сабзи. Сабзисиз ошни ош деб бўладими? Йўқ. Ҳаётда ҳам шундай. Маишатсиз турмуш бамисоли сабзи солинмаган ош...

Семиз бироз ўйлаб пиёдани сурди.

— Ҳмм... Иккинчи оғайним, иттифоқо, яқинда ҳайвонот боғига бориб, у ердан файласуф бўлиб қайтди. Билса дунёда энг кучли ҳайвонлар фил билан туя бўлар экан. Лекин шунча кучига қарамай улар шундай содда бўлишарканки, ҳатто ёш бола ҳам уларнинг бўйнига бошвоқ солиб ишлата бераркан. Энди бўри билан тулкичи! Уларнинг бўйнида бошвоқ ҳам йўқ. Қорнилари ҳам доимо ноғоравдек таранг. Мен илгари туя эдим, ошна, энди бўриликка кўчаман, дейди...

— Бўри билан тулкини терисини одамлар доимо шилиб туришади!— сўз қўшдим мен.

— Ҳа, ҳа, ҳа!— деб жавоб берди Семиз,— Менга шуни айтинг, қўшни: сиз қайси бир жониворни танлардингиз? Лип-лип этиб дарахтга чиқиб кетармидингиз, аҳа, ҳа, ҳа!

— Сиз биринчи учраган балчиққа ётиб олардингиз!— пайровга пайров билан жавоб бердим мен.

— Ҳа, ҳа, ҳа,— яна кулди Семиз. — Оббо сиз-ей. Тағин ҳафа бўлиб юрманг. Аския-да! Гап келганда отангни аяма дейдилар. Шах!... Нима касб қиласиз, қўшни?

— Медикман. Техникумни тугатганман.

— Ихтисослари нима? Жинпихонага алоқалари йўқми, ҳа, ҳа, ҳа!

—Бор, мабодо ишлари тушиб қолса — марҳамат.

— У ерда ўзимизнинг ҳам бир ошнамиз бор. Илгари пиво заводида ишлар эди.:: Сизнинг купеда келаётган одам шахмат ўйнайдими?

— Ҳа, ўйнайди. Фақат Ноздрёвчасига эмас?

— Ким у, Ноздрёв? Чемпионми?

— Ҳа, чемпион. Унинг яна бир одати борки, хотинқизлар ҳақида ҳурмат билан гапирди.

— Ҳе, ҳе, ҳе, — бу гал қийшиқ кулди Семиз. — Ёшсиз-да, ҳали ёшсиз. Биз улфати одам — савдони доимо кўтара қиламиз. Сизнинг қўшнингизга ўхшаган чемпионлар бўлса ишни чаканадан бошлашади. Бизга ўхшаганлар ҳар қадамда хато қилиб, калтак еб турамиз. Бу пихини ёрганлар бўлса мўлжални доимо бехато уришади.

— Янглишасиз.

— Сиз санамай саккиз деманг-да, бир синаб кўринг... Шах! Яна купенгизда халиги жонон бор...

— Уни қўйинг. Бари-бир унинг олдига сизни йўлатмайман!

— Ҳе, ҳе, мени йўлатмайсиз. Олдимни тўсасиз. Шах!.. Чемпионнинг олдини тўсмайсиз. Чунки у сизни даст кўтариб четга олиб қўяди, кейин битта аскиясини қўндириб киради кетади. Сиз бўлсангиз мана бу тахтадагидек икки қўлни бурунга тиқиб қолаверасиз, ҳа, ҳа, ҳа. Мот сизга!

Семиз завқ билан кулди. Менинг бўйин томирим қавариб чиқди. Отларни учинчи партия учун тикишга тўғри келди.

Бу вақт купе эшиги гириллаб очилиб, коридорда кичкина проводник кўринди. Орқасида чамадон ва турли туман муска, тўрвалар кўтарган кампирга юзланди.

— Мана шу купе.

— Салом, — деди кампир ичкари кираркан.

— Салом, кампиршо!

Кампир кейинидан ўшанча юк кўтарган бурни узун куёви, томоғини боғлаб олган жиккакина қизи кириб келишди.

Семиз маъноли қилиб проводникка тикилди. Проводник ундан ҳам маъноли-роқ қилиб қўлларини икки ёққа керди. Мен эса шахматни олиб, кампирга жой бўшатдим. У ҳам фурсатни ўтказмай дарҳол ишга киришди: чамадонни полка тагига жойлади, сумка ва тўрваларини ҳамма илмоқларига бир-бир илиб чиқди. Ўзи ўрнашиб олгач, куёви билан қизига ёрдам берди. Айни вақтда битта апельсин ҳам еб олди.

— Купе кичкина! — деди қиз ҳаммалари бир полкага ўтириб олишгач.

— Сенга нима, ўн саккиз квадрат метр керакмиди? — жавоб қилди кампир ва шу он ўз зийраклигини намойиш қилди.

(Давоми бор)

(Давоми. Боши газетанинг (190, 191-сонларида).

Реклама ва эълонлар

ТО

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 19 IVIII да **Улимдан кучли** 20 IVIII да **Ажжонларим**, Спектакль кеч соат 7 яримда бошланади.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА— 18 IVIII да **Ажаб савдолар**, 20 IVIII да **Жон қизлар**.

Кино

18 августда

ҚИШКИ БИНОДА

Қизларни ўғирлаш —«ЧАЙКА» «ДРУЖБА», (тоқ соатларда), «ЎЗБЕКИСТОН» НАВОИЙ номли, «ВОСТОК» «МОСКВА» (кечқурун).

Аничка— «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кечқурун).

Улкан севги серенадаси — САНЪАТ САРОЙИ (кечқурун).

Бомбай тун оғушида — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кечқурун).

Райн болалари — «ДРУЖБА» (кеч соат 8 да).

ЁЗГИ БИНОДА

(кеч соат 9 ва 10.40 минутда бошланади).

Қизларни ўғирлаш — ФЕСТИВАЛЬ».

Аничка — «ХЕВА»

Тайга хўжайини — ТЕЛЬМАН номли.

19 августда

ҚИШКИ БИНОДА

Қизларни ўғирлаш —«ЧАЙКА», «ДРУЖБА» (тоқ соатларда), «ЎЗБЕКИСТОН», НАВОИЙ номли, «ВОСТОК», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун), САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 3 ва кеч 7 яримда).

Аничка —«КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Улкан севги серенадаси — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Телевизор

18 август

ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18,30 Кўрсатувлар программаси. **18,35** Чиғириқ таксомотор парки болалар бадиий ҳаваскорлари ижросида концерт (ўзбек тилида). **Рус тилида: 19,05** Телевизион янгиликлар. **19,20** «Чкаловни эслаб», Ҳужжатли фильм. **19,40** СССР Ҳаво флоти кунига бағишланган программаси ва реклама. **20,40** Кўрсатувлар программаси ва реклама. **Ўзбек тилида: 20,50** Телевизион янгиликлар. **21,05** «Ноз-неъмат бунёдкори» программаси. **21,40** «Ўртоқ Серго». Ҳужжатли фильм. **22,10** В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги олдидан. Телевизион театр. П. Турсун. «Ўқитувчи». Телевизион спектакль иккинчи қисмининг премьераси.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Рус тилида: 18,00 «Учиш» Ҳужжатли фильм. **18,20** Шаҳримиз озодалиги учун. **18,35** «Мени кутгил». Бадиий фильм.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

20,00 Янгиликлар. **20,15** «Океан соҳилидаги шаҳарча». Телеочерк. **20,45** Зангори экран ҳафталиги. **21,00** «Пионерия» телевизион агентлиги. **21,20** СССР Ҳаво флоти кунига бағишланган эшиттириш. **20,00** «Шўнғувчи бомбардимончи самолёт кундалиги». Бадиий фильм. **23,30** «Вақт» информацион программаси. **00,15** Рангли телевидение программаси «Экранда фақат учувчилар». СССР Ҳаво флоти кунига бағишланган эстрада концерти.

«ТАШХОЗКУЛЬТТОРГНИНГ» ҲАММА МАГАЗИНЛАРИДА

КЎП МИҚДОРДА



ЖУН, СИНТЕТИК, ИП-ГАЗЛАМА ГАЗМОЛЛАРИНИ ЛАР ВА СУЮЛТИРИЛГАН МОДДАЛАР МАВЖУД: «ДОН», «ДЕЛЬФИН», «БЕРЁЗКА», «КАТЮША», УЛАРДА ЯХШИ ЮВИШ ХУСУСИЯТГА ЭГА БЎЛГАН ЮВИШ УЧУН КИР ЮВИШ ПОРОШОКЛАРИ, ПАСТА «ЛОТОС», «АЙНА», «СУМГАИТ», «ЖИГУЛИ», «ЭКСТРА», «СОЖ», «ЛАДА», «КОРАКУМ». ЮҚОРИ СИФАТЛИ СИНТЕТИК МОДДАЛАР МИҚДОРИ ЖУДА КЎП.

ВАҚТИНГИЗНИ ТЕЖАНГ!

Спорт Спорт

ГИЛАМДА МИЛЛИЙ КУРАШ

Куни-кеча Ленин комсомоли номидаги маданият ва истироҳат боғининг кураш майдонида пойтахт область спортчиларининг миллий кураш бўйича биринчилик беллашувлари бошланди. Учрашувда 90 га яқин полвон ўз маҳоратини намойиш қилади.

Беллашувнинг биринчи куни Бўка районининг полвонлари юқоричирчиқлик «раҳиб»лари билан қизғин курашда 4:3 ҳисобида ғолиб келдилар. Янгийўллик курашчилар ўртачирчиқликларни 6:1, Калинин района вакиллари оққўрғонликларни 5:3 ҳисобида ютди. Бўстонлиқ ва Оржоникидзе районлари полвонлари ҳисобни дуранг — 4:4 ҳисобида тугатишди.





КУЧЛИЛАР МАЙДОНДА

Миллий кураш бўйича умум команда ҳисобида Юқоричирчиқ района полвонлари бошқа район полвонларига нисбатан кам штраф очко олиб, «Пахтакор» қишлоқ спорт жамиятлари Марказий Совети таъсис этган кўчма кубокни қўлга киритишди. Улар биринчи ўринга кўтарилдилар. Бўка ва Калинин района полвонлари иккинчи ва учинчи ўринни эгалладилар.

Шахсий биринчи ўринларни олган полвонлар вазн тонфаларига кўра Ҳ. Муҳсимов (Юқоричирчиқ района), Н. Тошев (Бўстонлиқ района), Ш. Қўзибоев (Бўка района), Р. Эшов (Юқоричирчиқ района), Ҳ. Ваҳобов (Бўка района), Ж. Нишоналиев (Янгийўл района), Қ. Жалилов (Калинин района) ва Қ. Пўлатовлар (Юқоричирчиқ района) яхши кўрсаткичга эришдилар.

Тошкент область биринчилигида чемпионлик унвонига сазовор бўлган полвонларни республика тонфасидаги судья Т. Олимов табриклади ва уларга қўл соати, диплом, кўкрак нишони тақдим этди. Миллий курашнинг ривожланиши ва мусобақалар давомида курашнинг сифатли ўтиши учун судья лик қилган бир группа кекса ветеран полвонлар ҳам диплом билан тақдирландилар.

Судья Т. Олимов биринчи ва иккинчи ўринларни олган полвонларга 18 августда Қўқонда бошланадиган республика биринчилигида юқори ўринларни эгаллашлари учун муваффақиятлар тилади. Шундай қилиб, тўрт кун давом этган область биринчилигида фарғонача кураш нхлосмандларн яхши томоша кўрдилар.

СУРАТЛАРДА: қизғин кураш пайти. Чапда: юқоричирчиқлик оғир вазнли Қўшон Пўлатов Калинин район вакили Зокиржон полвон билан беллашяпти. Қ. Пўлатов бал ҳисобида ютди. Ўрта вазида чемпионлик унвонига сазовор бўлган янгийўллик полвон Жопарали Нишонов судьялардан муносиб совға оляпти.

Ў. ҲОФИЗОВ,
Автор фотолари:

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар Дзержинский кўчаси 15-уй Редакция телефонлари Коммутатор — 33-02-49 дан 33-02-58 гача, редактор ўринбосарлари 33-29-33, 33-29-09, масъул секретарлар — 33-27-22, партия совет ва касаба союз ташкилотлари, шаҳар хўжалиги бўлимлари 33-29-42, адабиёт санъат ва маданият бўлими 33-29-55, хатлар ва оммавий ишлар, 33-29-70, фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари 33-27-57, саноат транспорт; қурилиш бўлимлари — 33-27-03, ахборот бўлими — 33-65-57, эълонлар бўлими — 33-81-42.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри

Индекс 64579

НАШР 2827

Р. 03227